

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 374-ҳадис

374 - عَنْ ابْنِ عُمَرَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «كُلُّ مُسْكِرٍ حَمْرٌ، كُلُّ مُسْكِرٍ حَرَامٌ، وَمَنْ شَرِبَ الْحَمْرَ فِي الدُّنْيَا فَمَا تَوَدَّعَ بِهِ لَمْ يُتُبْ، لَمْ يَشْرَبْهَا فِي الْآخِرَةِ».

[خ 5575، م 1861، س 3671، د 5671، ت 3679، جه 3373]

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Хар бир масть қилувчи нарса хамрдир. Ҳар бир масть қилувчи нарса ҳаромдир. Ким бу дунёда хамр ичиб, унга ружу қўйган ҳолида ўлиб кетса, тавба қилмаган бўлса, охиратда уни ичмайди», дедилар».

Ином Бухорий, Муслим, Термизий, Насаий, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Изоҳ: Бу ва шу маънодаги бошқа ҳадисларга уламолар бир неча хил изоҳ беришган:

а) охиратда ичмайди деганда жаннатга кирмаслигига ишора қилинган (яъни биринчилардан бўлиб кирмайди, аввал бу гуноҳи кабираси учун жазосини олади);

б) жаннатга кирса ҳам, у ердаги ичимликлардан ичмайди;

в) ҳалол санаб ичган бўлса, мутлақ жаннатга кирмайди.



NUBUVVAT MARVARIDLARI